

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Хазорасп тумани

«4» август 2022 йил

Хазорасп тумани мактабгача талими булими кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номидан низом асосида иш кўрувчи Х Абдурасулова бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Хазорасп савдо курилиш» МЧЖ номидан низом асосида иш курувчи А Бабаев иккинчи томондан «Хазорасп тумани мактабгача талими булимига карашли 6-сон ДМТТ биносини жорий тамирлаш учун» мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

- **ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

- **курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади;

- **вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

- **шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Хазорасп тумани мактабгача талими булимига карашли 6-сон МТТ биносини жорий тамирлаш буйича кузда тутилган лойиха хужжатлари буйича мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 282 725 354 сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш кийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кўриб чиққан юрист: NIYOZMATOV ZAFARBEK SHAVKATOVICH. Хужжат рақами: NZ8734380345

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- курилиш майдонида зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

- курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим килади.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим килади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор кабул килиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради
15. Курилиш ишлари бажариш муддати 30 календар кунни ташкил этади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс утказади, бу 84 817 606,20
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул килингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.
20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охиригача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари туғрисидаги «Бажарилган ишлар киймати туғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати туғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос бўлади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш кийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниси, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддати таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;
- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф килишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

ХII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

ХIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон: Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тутрисида» ги конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплайди.

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган такдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар булади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг окибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тулайди;
- буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблагларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;
- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали буйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равишда кабул килиб тасдиклашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш, тасдиклашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тулайди;
- шартнома шартларига муофик тайёр холда кабул килиш учун такдим килинган объектни асоссиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тулайди;

43. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкий жавобгар булади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечиктирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тулайди.
- кам хажмда ишларни бажарса ,

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охириг кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик булмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди.
44. Агарда томонлардан бири уз реквизи́тларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки макомини нотугри берса ва узгарганлиги тугрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорда жарима тулайди.
45. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.
46. Тамонларнинг мулкый жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.
47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкый талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қилишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

49. Тамонлар:

- Тамонлар, уларнинг аффилианган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характериға ега бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳарақацизликларини содир етмайдилар. Тамонлар, уларнинг аффилианган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Тамоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим етиш, уларнинг манзилиға хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил тамонидан уни рағбатлантирувчи Тамон фойдасиға қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳарақацизликлар бажарилишини таъминлашға қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

50. Тамонда ушбу Шартноманин 49.1-бандидаги талабларни бузиш содир етилганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тугрисидаги шубҳалар юзаға келган ҳолда, тегишли Тамон бу ҳақда иккинчи Тамонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад етиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасиға олади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

51. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномаға тегишли булган тамонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзақи битимлар, ёзишмалар, тамонларнинг узаро қилишувлари уз кучини йукотади.

52. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонға сотиш ёки бериш ҳуқуқиға эға булмади.

53. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий ҳисобланади.
54. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
55. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.
55. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қелишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб чиқилади.
56. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қулланилади.
57. Мазкур шартнома Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилик бўлиналарида рўйхатдан ўтгандан қундан бошлаб қонуний қучга қиради.
58. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга булган 2 нусхада тузилди.
59. Шартномани амал қилиш муддати «31» Декабр 2022 йилгача.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

"Хазорасп савдо қурилиш " МЧЖ	Хазорасп туман мактабгача талими бўлими
Манзили: <u>Тупроккала тумани халқ сўзи қучаси 3- уй</u>	Манзили: Хазорасп тумани Э Ғаязов 6- уй
Тел/факс: 97 512 03 46	Тел/факс: 62 33 25 279
х/р:20208000800956529001	ш/х 100022860332207091100251021
ИНН: 305945118	ИНН 305 174 254 ОКОНХ:
ОКОНХ: 61100	Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Банк: ХАЗОРАСП Т. АГРОБАНК АТБ ХАЗОРАСП ФИЛИАЛИ	Ғазна х/в : 23402000300100001010
МФО: 00558	Банк : Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО : 00014 ИНН: 201122919



А Бабаев



М.Ў. _____ X

Хуқуқиунос

(имзо)

« _____ »
(ФИШ)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** Pudrat shartnomasi
3. **Loyihaning mazmuni** Hazorasp tumani maktabgacha ta'limi bo'limi keyingi o'rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiladigan nomidan nizom asosida ish ko'ruvchi X.Abdurasulova bir tomondan, keyingi o'rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan "HAZORASP SAVDO- QURILISH " MChJ nomidan nizom asosida ish ko'ruvchi A.Babaev ikkinchi tomondan « Hazorasp tumani maktabgacha ta'limi bo'limiga qarashli 6-son DMTT binosini joriy tamirlash uchun» Mazkur shartnoma bo'yicha Pudratchi tomonidan bajariladigan, ishlar qiymati barcha soliqlar, yig'imlar, ajratmalar va pudratchining boshqa harajatlarini o'z ichiga olgan holda joriy narxlarda 282 725 354 so'mni tashkil etuvchi Pudrat shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.
4. Mazkur loyiha Hazorasp tuman maktabgacha ta'lim bo'lim tomonidan 2022 yil 4-avgust kuni Hazorasp tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tumani yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



Z. Niyozmatov

2022 -yil «04» avgust